

# Намозда фаришталар инсонга иқтидо қиладиларми?

05:00 / 09.01.2017 5829

Фаришталар инсонлар намоз ўқиганларида уларга иқтидо қилишлари, бу билан жамоат бўлиши борасида бир қанча ҳадиси шарифлар етиб келган:

Имом Аҳмад (р.х.), Ибн Абу Шайба (р.х.), Абу Нуайм (р.х.) ривоят қилишларича, Иброҳим пайғамбар (а.с.) Аллоҳ таолога: "Эй, роббим! Мен жуда ҳам маҳзун бўлиб қолдим. Ер юзида мендан бошқа Сенга ибодат қиладиган одам қолмабди" деб нола қилганида, Аллоҳ таоло у билан бирга ибодат қиладиган фаришталарни тушурган экан. Имом Аҳмад (р.х.)нинг бир ривоятида Иброҳим (а.с.) билан бирга намоз ўқишлари учун уч минг фаришта тушганлиги айтилади.

Имом Байҳақий (р.х.), Ибн Абу Шайба (р.х.) ва Саид ибн Мансур (р.х.) каби муҳаддислар саҳоба Салмон ал-Форисий (р.а.)дан бундай деб ривоят қилганлар:

يُصَلِّي مَأْقَأً وَنَذَأُ إِذَأَفَ نَأَكْلَمُ هَفَلَخَ يَلِصُ ةَالِصَلَأِ مَأْقَأَفَ ضَرَأُ يَفَ لَجْرَلَأِ نَأَكْ إِذَأِ  
وَهُدُجَسَبُ نَوُدَجَسَيِ وَهُعُوكَرْبُ نَوُعُكَرْيِ هَأَفْرَطُ يَرِي أَلِ أَمَ ةَكْئِئَالْمَلَأِ نَمَ هَفَلَخَ  
هَأِئَاعِدُ يَلِ عَنُونَمُؤَيِ

"Қачон бирор кимса бирорта ерда намоз ўқиса, унинг орқасида икки фаришта туради. Қачон иносн азон ва иқомат айтса, унинг орқасида фаришталардан икки тарафи кўринмайдиган даражада кўп фаришталар туради. Унинг рукуъсига қўшилиб рукуъ қиладилар, саждаси билан бирга сажда қиладилар. Унинг дуосига "омин" деб турадилар".

Имом Абдурраззоқ (р.х.) ва Саид ибн Мансур (р.х.) кабилар тобеъинларнинг улуғларидан Саид ибн ал-Мусаййиб (р.х.)нинг бундай деганини нақл қилганлар:

مَأْقَأً وَنَذَأُ إِذَأَفَ نَأَكْلَمُ هَفَلَخَ يَلِصُ ضَرَأَلَأِ نَمَ ةَالِفَ يَفَ وَهُ وَ ةَالِصَلَلَأِ لَجْرَلَأِ مَأْقَأً إِذَأِ  
لَأَبَجَلَلَأِ لَأَثْمُ ةَكْئِئَالْمَلَأِ نَمَ هَفَلَخَ يَلِصُ

"Қачон инсон бирорта очиқ майдон - саҳрода намоз ўқиса, унинг орқасида икки фаришта намоз ўқийди. Агар у азон ва иқомат айтса, унинг орқасида тоғлар мисоли фаришталар намоз ўқийди".

Мазкур ҳадисларнинг бошқа ривоятларида азон ва такбир айтиб намоз ўқиган кимсанинг орқасида ўша ўқилган ер тўлгунча миқдорда фаришталар намоз ўқишлари зикр қилинган бўлса, айримларида етмиш, тўрт минг, тўрт миллион фаришта намоз ўқийди, дейилган. Бу хилдаги

ривоятларнинг ҳаммасини Жалолиддин ас-Суютий (р.х.) ўзининг "ал-Ҳабоик фий ахбор ал-малоик" номли рисоласида бирма-бир келтирган.

Бошқа бир ривоятда Имом Насоий (р.х.) бу тариқада келтирган:

يَدَانِي مَث ، مَمِيَّت ، ءَامَلَا دَجِي مَل نِإْف ، أَصْوَتْف ءَيْقِ ضَرَأُ يِف لَجْرَلَا نَاك اِذَا  
أَفْصَه لَلَا دُونَج نَم مَأَلَا ، ءَاهِي لَصِي مَث ، ءَاهَمِي قِي مَث ، ءَالِصَلَاب

"Агар бирорта кимса дашт ерда бўлиб, таҳорат олса, агар сув топа олмаса, таяммум қилса, сўнг намозга азон чақирса, кейин иқомат ҳам айтса, сўнг намоз ўқийдиган бўлса, у Аллоҳнинг бир саф аскарлари - фаришталарга имом бўлади".

Мазкур ривоятларда саҳоба ва тобеъинлар ўз гапларини айтган бўлсалар, уларнинг бу гаплари марфуъ ҳукмини олади. Чунки, бу хилдаги гапларни ваҳий бўлмаса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айнан ўзлари айтган бўлмасалар, гапириш қийин.

Муҳаддис Абу Довуд (р.х.) ўзининг ҳадислар тўпламида Абу Саид ал-Худрий (р.а.)дан келтирган мана бу саҳиҳ ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар:

نَبِي رُشِعَ وَاَسْمَخُ لِدَعَتِ ءَعَامَجِي فِ ءَالِصَلَا : مَلَسُو هِي لَعَلَلَا يَلِصُ - ءَلَلَا لُوَسَرَلَا قِ  
وَبَأَلَا قِ . « ءَالِصَلَا صَنِي سَمَخُ تَعَلَبَ ءَهْدُوْجُ سَوَ ءَهْوُكُرَّ مَتَأَفِ ءَالَفِ يِف ءَاهَالِصَ اِذِإْفِ ءَالِصَلَا  
يَلَعُ فَعَاضُتِ ءَالْفَلَا يِف لُجْرَلَا ءَالِصَلَا » ثِي دَخَلَا يِف دَايَزُ نَبِي دِحَاوَلَا دُبَعَلَا قِ دُوَادِ  
ثِي دَخَلَا قِ ءَسَو . « ءَعَامَجُ لَا يِف وَهَاتِ لَصِ

"Жамоатда ўқилган намоз йигирма беш намозга тенг бўлади. Агар уни саҳро-даштда ўқиса, рукуъ ва саждаларини тўлиқ-мукаммал қилса, эллик намозга тенг бўлади".

Абу Довуд (р.х.) бир ривоятда: "Инсоннинг саҳродаги намози жамоатда ўқилган намозига икки баробар кўпаяди", деган ҳадис матнини ҳам келтирган.

Намознинг масжидларда ўқилган жамоат намозидан кўра саҳрода ўқилган намозининг савоби икки баробар кўпайишига саҳрода унга икки тарафи кўринмайдиган даражада кўп бўлган фаришталар жамоаси иқтидо қилиши сабаб бўлади. Демак, фаришталар жамоати инсонлар жамоатидан кўра савобда кўпроқ экан. Ибн Ҳиббон (р.х.) ҳам шу маънодаги ҳадисни ўзининг саҳиҳ ҳадислар тўпламида зикр қилган, муҳаддис Ҳоким (р.х.) эса уни ўзининг "ал-Мустадрок" асарида келтириб, ҳадиснинг Имом Бухорий (р.х.) ва Имом Муслим (р.х.) шартларига кўра саҳиҳ эканини таъкидлаган.

Муҳаддис Имом ал-Баззор (р.х.) мана бу ҳадиси шарифни ривоят қилган:

ءَوَاتِ لَصَبِ يَلِصُتِ ءَكْئَالْمَلَا نِإْفِ ءَوَاتِ ءَارْقَبِ رَهَجَ يَلِ لِيْلَلَا نَم مَكُنْم يَلِصُ نَم  
يِف ءَعَمُ ءَهْءَارِي جَوَ ءَهْوَهْلَا يِف نُونُ وَكَي نِي دَلَا نَجَلَا يِنْمُومُ نِإْوِ ءَوَاتِ ءَارْقَلِ ءَعَمُ سَتَو  
ءَوَادُ نَعِ ءَوَاتِ ءَارْقِ رُجَبِ دُرْطَيَلِ ءَهْنِإْوِ ءَوَاتِ ءَارْقِ نُونُ ءَعَمُ تَسَيِ وَءَوَاتِ لَصَبِ نَوَلِصِي هَوْنُ كَسَمِ  
نِي طَايِي شَلَا ءَرَمَوِ ءِنَجَلَا قِ ءَسُفِ ءَهْلَوَحِ يَلِ تَلِ رُوْدَلَا نَعَوِ

"Сизлардан кимки кечаси намоз ўқимоқчи бўлса, қироатини ошкора қилсин! Чунки, фаришталар у билан бирга намоз ўқийдилар, унинг қироатини эшитадилар. Ҳавода унинг масканида ва қўшнилари томларида мўъмин-муслмон жинлар ҳам бўладилар. У билан бирга намоз ўқийдилар, унинг қироатини эшитадилар. Унинг қироатининг ошкоралиги сабабли ҳовлисидан ва атрофидаги қўшнилари ҳовлисидан фосиқ жинлар ва ифлос шайтонлар қочади".

Юқоридаги маълумотлардан қуйидагилар маълум бўлади:

1) Мусофирга ҳам ҳатто ёлғиз намоз ўқимоқчи бўлса, азон ва иқомат айтиши суннат (ёки мустаҳаб) бўлади. Бунга Абу Довуд (р.х.) ва Насоий (р.х.)нинг ривоят қилган қуйидаги ҳадислари ҳам далил ҳисобланади:

يٰلصّيٰ و ەالصلاّب نذوّي لبجلل ەظشلل سألر ي ف م ن غ ي عار ن م كبر ب ج ع ي  
يدبع ل ترفغ دق ي ن م ف ا خ ي ەالصلا م ي ق ي و ن ذوّي يدبع ل ا اورظنا ەلل ل لوق ي ف  
ە ن ج ل ە تل خ د ا و

"Парвардигоринг тоғ қоялари бошида намозига азон айтиб, намоз ўқийдиган қўй боқувчидан ажабланади. Аллоҳ таоло: "Бандамга қаранглар, мендан қўрққани учун намозга азон ва иқомат айтмоқда, мен бандамнинг гуноҳини аниқ кечирдим ва уни жаннатга киритдим!", дейди.

2) Ошкора ўқиладиган намозларда ва айниқса тунда ўқийдиган намозларда ёлғиз ўқувчи ҳам қироатни ошкора ўқиши мустаҳаб экан. Хусусан, ёлғиз ўқувчи кимса азон ва иқомат айтиб ўқиши керак.

3) Дашту саҳроларда ўқилган намоз масжидларда жамоат бўлиб ўқилган намозлардан кўра савоби икки баробар кўп бўларкан. Бунга сонсиз-саноксиз фаришталарнинг унга иқтидо қилгани сабабдир.

4) Фаришталар билан худди одамлар каби жамоат ҳосил бўларкан. Бу ерда нозик тушунча мавжуд. Имом Суютий (р.х.) ўзининг "ал-Ҳабоик фий ахбор ал-малоик" асарида бирор кимса: "Жамоат билан бирга намоз ўқийман" деб қасам ичган бўлса, у саҳрода битта ўзи азон ва иқомат билан намоз ўқиган бўлса, қасами бузиладими ёки йўқми, деган масала жавобида у ҳадиси шарифларга кўра қасами бузилган ҳисобланмайди, деган жавобни айтган. Чунки, у ҳадисларга кўра фаришталар билан бирга жамоат бўлиб намоз ўқиган. Ҳанафийлар бу ерда қасамлар урф-одатларга боғлиқ бўлгани боис гарчи фаришталар билан бирга намоз ўқиган бўлса-да, у урфда ёлғиз намоз ўқиган бўлиб ҳисоблангани боис қасами бузилади, деган ҳукми айтидилар. Ҳанафийларнинг фикҳий манбаларида бу ерда ўша кимса қасам ичаётганда, урфдаги жамоатни ёки мутлақ жамоатни ният қилган бўлса қасами бузилиши, агар фаришталар билан бўладиган жамоатни назарда тутган бўлса, алалоқибат қасами бузилмаганлиги ҳам зикр қилинган.

5) Инсон намоз ўқиб бўлиб, икки тарафига салом берган вақтида намозхонлар билан бирга фаришталар ва мусулмон жинларни ҳам қўшиб ният қилиши мустаҳаб бўлади.

Умуман олганда, юқоридаги маълумотлардан биз Аллоҳнинг энг нозик хилқатлари бўлмиш фаришталар ҳам одамлар билан бирга қўшилиб намоз ўқишларини билиб оламиз. Инсонга у ёлғиз қолганида ҳам фаришталар иқтидо қилишлари мумкинлигидан инсон ҳар бир намозини ихлос билан адо қилиши, ёнларида ёки орқаларида фаришталар унга эргашаётганини ўйлаб, намозни хушуъ ва рисоладагидек адо этиши кераклиги, ёлғиз қолганида ҳам намозларини тарк қилмасдан ўз вақтида азон ва иқомат айтиб ўқиб олиши лозимлиги маълум бўлади. Ҳар бир мўъмин-мусулмонга ихлос ва тақво ёр бўлсин!

Ҳамидуллоҳ Беруний